*1996 йил — Амир Темур йили*

# ТАБАРРУК ВА ФУСУНКОР МАСКАНЛАР



***Улуғ бобомиз Амир Темурнинг муборак ва унутилмас номи ҳаммамиз учун ғоят азиз ва ардоқлидир. Мамлакатимизда ва ундан ташқарида Амир Темур номи билан боғлиқ жойлар, гўзал санъат обидалари, ёдгорликлар бениҳоя кўп.***

Соҳибқирон номи билан юритилувчи жойлардан бири Ҳисор тоғ тизмасининг ғарбий қисмидаги Амир Темур ғоридир. Бу фусункор маскан Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги Тошқўрғон қишлоғи яқинида жойлашган. Амир Темур ғори денгиз сатҳидан 2,5 минг метр баландликда макон топган бўлиб, табиатнинг улкан мўъжизаларидан ҳисобланади. Бу табиат маскани бир пайтлар бобомиз Амир Темур ва унинг сипоҳлари учун бошпана вазифасини бажарган.

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Тарағай, Лангар қишлоқлари яқинида Амир Темур номи билан боғлиқ иккинчи ғор жойлашган. Мазкур ғор жуда улкан бўлиб, 50 метрлар юрилгач, уч томонга йўл кетади, бироқ ҳеч ким бу йўлларнинг охирига етган эмас. Унда Шайбонийхон зулмидан қочган барлослар яширинган деган ривоятлар бор. Амир Темур номи билан аталувчи иккала ғор ҳар томонлама пухта ўрганишга арзийдиган она табиатимизнинг нодир ёдгорликларидандир.

Соҳибқирон номига алоқадор масканлардан яна бири Жиззах шаҳридан 13 километр ғарбда жойлашган Амир Темур дарвозаси деб юритилувчи жойдир. Амир Темур дарвозаси Моргузар ва Нурота тоғлари ўртасида бўлиб, Сирдарё ва Зарафшон воҳаларини бир-биридан ажратиб туради. Ривоят қилишларича, Амир Темур кўп минг кишилик лашкари билан Шарқий Осиёга юриш қилганда, ҳеч ким қадам босмаган Нурота ва Моргузар тоғлари ўртасидаги ҳозирги «Илон ўтди» дарасидан ўтаётганда тоғ ўз-ўзидан ажралиб, унга йўл очган экан. Халқ бу афсона орқали Амир Темурнинг шон-шуҳрати, кучқудрати беқиёс юксак эканлигига ишора қилган. Амир Темур дарвозаси муҳим ҳарбий аҳамиятга эга бўлган. Дарада махсус соқчилар турган ва улар карвон ҳамда йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаган. Самарқанд шаҳрини шарқдан бўладиган хавфдан қўриқлаган. Амир Темур дарвозаси қояларига 1424-1425 йилларда Улуғбекнинг мўғул қўшинлари устидан қилган ғалабаси ва 1517 йилда Бухоро хони Абдуллахоннинг Тошкент ҳокими Дарвишхон ва Дашти Қипчоқ ҳукмдори Бобохон устидан қилган ғалабаларининг таърифи ёзилган.

Самарқанд шаҳридаги Гўри Амир мақбараси жаҳонгир Темур бобомизга боғлиқ бўлган энг муқаддас жойлардандир. Соҳибқирон абадий макон топган Гўри Амирда Темурнинг пири — ҳазрат Саййид Бараканинг, ўғиллари — Шоҳруҳ ва Мироншоҳнинг, набиралари — Муҳаммад Султон ва Улуғбекнинг сағаналари бор. Гўри Амир мақбараси ташқи ва ички безакларининг бойлиги жиҳатидан дунёдаги энг ноёб ва машҳур архитектура ёдгорликларидан ҳисобланади.

Соҳибқирон туғилган юрт— Хўжаилғорда ва унинг атрофларида бир неча шифобахш булоқлар мавжуд. Улардан бири «Амир Темур чашмаси» деб юритилади.

Амир Темур номи билан аталувчи жойлар республикамиздан бошқа ҳудудларда ҳам учрайди. Қирғизистон Республикасининг Ўш вилояти Қорасув туманидаги Мади қишлоғи ўрамида «Темур ҳовузи» деган жой бор. Темур ҳовузи бобомиз томонидан шахсан қурилган бўлиб, бунинг тарихи XIV асрнинг охирига бориб тақалади. Ерли аҳоли ҳовуз асосан отлиқларнинг сувдан фойдаланишлари учун қурилган деб айтишади. Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилояти ҳудудидаги аҳоли яшайдиган масканлардан бири Темурлан деб аталади. Кавказдаги Барлосариқнинг ҳам тарихи бор. Амир Темур ўша ерни забт этганида ариқ қазишга фармон берган ва уни ўзи мансуб туркий уруғ номи билан атаган.

Буюк соҳибқирон номи билан аталган жойлар юқорида айтилганлар билан тугамайди, албатта. Улуғ бобомиз Доғистонда бўлганларида кичик бир қишлоқда тўхтаганлар ва шу ерда шаҳар қуришга амр этганлар. Кейинчалик бунёд этилган бу шаҳар саркарда шарафига Темурхоншур деб номланган ва пойтахт мавқеига эга бўлган. Махачқалъа яқинидаги қишлоқлардан бири Темурбос (Темур қудуғи) деб юритилган.

Таъкидлаш лозимки, истиқлол шарофати билан Амир Темур янгидан кашф этилди. У ўзининг муқаддас она диёрига қайта кириб келди. Жаҳонгирнинг қадри ва обрўси, шаън-шавкати тикланди, унга юксак эътиқод ва алоҳида эътибор билан қараладиган бўлинди.

Соҳибқирон Амир Темур номи бугунги кунда ўлкамиздаги энг азиз ва мўътабар масканларни безаб турибди.

Пойтахтимиздаги Амир Темур номи билан аталувчи хиёбон унинг ўлмас даҳосига бўлган беқиёс ҳурмат ва эътиқод ифодасидир. Хиёбонда мумтоз обида — Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали қад ростлаган. Ҳайкалда қўрқмас ва довюрак, шижоатли ва жасоратли, синчков ва фаросатли, кенг фикрли ва чуқур мулоҳазали, тўғрисўз ва ҳақгўй Амир Темур бутун борлиғи билан баҳодирона қиёфада гавдалантирилган. Амир Темур хиёбони ҳозирда Тошкентнинг энг диққатга сазовор гўшаларидан бирига айланган, у тобора чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда. Хиёбонда ҳозирда Амир Темур шарафига Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилмоқда. Тошкентдаги энг узун кўчалардан бири ҳам Амир Темур номи билан аталади. Бу кўча Амир Темур хиёбони билан уйғунлашиб кетган, бири иккинчисининг давомига ўхшайди. Амир Темур кўчаси пойтахтимизнинг кенг ва ёруғ, гавжум ва обод кўчаларидан биридир.

Қадимий Ипак йўлида жойлашган Қўқон шаҳри кўчалари ичида Амир Темур номидагиси ўзининг гўзаллиги ва серфайзлиги билан ажралиб туради. Амир Темур кўчаси шаҳардаги темир йўл шоҳбекатидан бошланади. Бу ердан кўча бутун борлиғи билан кўзга ташланади. Кўчанинг икки чеккаси чинор, қайрағоч дарахтлари билан қопланган. Амир Темур кўчасида шаҳар ижтимоий таъминот бўлими, давлат суғурта идораси, халқ артисти Наби Раҳимов номидаги кинотеатр, «Мадина» савдо дўкони, «Ором», «Шоҳруҳ» қаҳвахоналари, «Бойчечак» болалар боғчаси ва бир неча тижорат дўконлари жойлашган. Республика миллий банки ҳамда «Саноатқурилишбанк»нинг Қўқон бўлимлари ҳам шу кўчадан ўрин олган. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигига қарашли Нодира номидаги санъат мактаби кўча ҳудудидаги зиё масканларидан биридир.

Темурбек бобомиз номига алоқадор кўчалар она Ватанимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам анчагина. Чунончи, Самарқанд, Фарғона, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарларидаги энг серфайз ва чиройли, кенг ва шинам кўчалар Амир Темур номи билан аталади. Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз, Яккабоғ, Тошкент вилоятининг Чиноз, Жиззах вилоятининг Пахтакор, Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Фарғона вилоятининг Бувайда туманларидаги жамоа хўжаликлари Амир Темур номи билан юритилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг қўриқ Элликқалъа туманида 40 гектар майдонни эгаллаган каттагина ботаника боғи бор. 1000 дан зиёд турли дарахт ва гул кўчатлари ўстирилаётган ушбу масканга яқинда соҳибқирон номи берилди. Бухоро вилояти Ромитон шаҳри марказида янги боғ барпо этишга киришилди. Уч ярим гектарли бу сўлим гўша Амир Темур номи билан аталадиган бўлди.

Шу кунларда Самарқанд шаҳрида соҳибқирон шарафига катта майдон бунёд қилинмоқда. Улкан ёдгорлик мажмуидан иборат бу майдон улуғ бобомиз номи билан юритилади. Амир Темур майдони келгусида шаҳарнинг энг сўлим ва гўзал масканига айланади. Майдонда буюк жаҳонгирнинг салобатли ҳайкали ўрнатилади.

Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида соҳибқирон таваллуд топган кун — 9 апрелда янги ўйингоҳ фойдаланишга топширилди. 15 минг кишига мўлжалланган, халқаро футбол талаблари андозасига тўла жавоб берадиган, жуда қисқа муддатда ҳашар йўли билан қуриб битказилган бу муҳташам футбол ўйингоҳига соҳибқирон Амир Темур номи берилиши айни муддао бўлди.

Буюк Амир Темур «Куч— адолатда» дея бутун дунёни ларзага солган улкан шахс эди. Мустақиллик туфайли бизда адолат, ҳақиқат тантана қилди. Довруғи оламни тутган бу улуғ сиймо номининг абадийлаштирилиши, манзилу масканларнинг унинг номи билан аталиши истиқлол берган буюк неъматлардан бири —қадриятларимизга бўлган чексиз ҳурмат ва эъзоз самарасидир.

Носиржон ОХУНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

*Ёзнинг иссиқ кунида*

# СУВ — ОБИҲАЁТ, ЛЕКИН...

***Серқуёш ўлкамиз узра ҳароратли кунлар кезмоқда. Айни қуёш нурлари қиздирган паллаларда, табиийки, барча салқин жойдан баҳра топишга интилади, сув ва чанқовбосди ичимликларни ҳузур қилиб ичишга талпинади.***

Сувнинг инсон аъзоларида тутадиган аҳамиятини таърифлаб интиҳосига етиб бўлмайди. У муҳим биокимёвий жараёнларда фаол қатнашади: тана ҳароратини яхши сақлайди, турфа моддаларни яхши зритади, тузлар ва бошқа унсурларни ионларга парчалайди. 60 ёшли киши аъзоларида тахминан 65-70 фоиз атрофида сув бўлади. Бундан ташқари қон таркибида 92 фоиз, мушакларда 70 фоиз, суяк тўқималарида 20 фоизга яқин сув мавжуд. Бир кеча-кундузда одамнинг меъда-ичак йўлига сўлак сифатида 1,5 литр сув ажралади, меъда шираси бўлиб 0,7 литр, ичак шираси бўлиб эса 300 миллилитр суюқлик ўтади. Умуман, ўрта ёшли ҳар бир киши кунига 2,5-3 литр сув ичадиган бўлса, бизнинг иқлим шароитида айни саратон кунлари бу миқдор 5 литрга етади. Шундай экан, ҳар қандай сув ҳам инсон табиатига тўғри келавермайди.

Ичиладиган сув албатта мусаффо, тоза ва зилол бўлиши даркор. Ҳар хил тоғ жинслари, тупроқ унсурларини ўзида жо қилган сувлар инсон саломатлигига маълум даражада салбий таъсир кўрсатмасдан қўймайди. Жумладан нозик аъзоларда тош, туз пайдо бўлиши, танада туз-сув мутаносиблигининг бузилиши каби ҳоллар кузатилиши мумкин. Шу боисдан ҳам табиий сув «қаттиқ» бўлган жойларда сувларни мумкин қадар қайнатиб истеъмол этиш тавсия қилинади. Сув қайнатилганида ундаги жинслар чўкиб, қасмоқ (идиш деворларида сополсимон қатлам) ҳосил қилади. Ўрни келганида шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, сув ўта кўп қайнатиладиган бўлса, ундаги эрувчан тузларнинг салмоғи ортиб кетиши мумкин. Ёзда чанқовни босиш мақсадида қуйида зикр этиб ўтиладиган ичимликлардан ўз ўрнида, тадбиркорона фойдаланиш киши аъзоларини сув билан таъминлаб қолмасдан, маълум даражада шифобахшлиги, тетиклаштирувчанлиги билан ҳам асқотиши мумкин.

**Оддий қимизак (квас).** Суви қочган ёки сархил жавдари нонни майда бўлакларга ажратиб,усти қизаргунча отахона (духовка)да қиздирилади. Қуритилган ноннинг устига қайноқ сув қуйиб, усти беркитилган ҳолда 3-4 соат тиндириб қўйилади. Одатда қимизак сирланган, чинни ёки шишали идишларда тайёрланади. Чунки тунукали, алюминий, шунингдек руҳланган идишларда қимизак бузилиши ва заҳарли моддаларга парчаланиши эҳтимол. Шиша идишда ҳосил бўлган шиннисимон суюқлик докада сузилгач, унга хамиртуруш, шакар, ялпиз солинади, устини сочиқ билан ёпиб, 10 соат давомида ачитилади. Шинни ҳосил бўлганидан кейин яна бир бор сузилади ва шиша идишларга оз-оздан майиз қўшиб қўйилади. Шундан сўнг шишаларнинг оғзи пухталаб беркитилиб, 2-3 соат давомида уй ҳароратида сақланади. Қимизак уч кундан сўнг тайёр бўлади. Бунда 1 килограмм жавдари қуритилган нондан қимизак тайёрлаш учун 8-10 литр сув, 25 грамм ачитқи, 200 грамм шакар лозим бўлади. Бу ичимлик чанқоқ босибгина қолмасдан, киши табиатини енгиллаштиради ҳам ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди, офтоб уришидан маълум даражада муҳофаза қилади, иштаҳани очади.

**Айрон.** Ичимлик сув ўрнини босадиган воситалардан бири айрон бўлиб, у айни саратон паллаларида чанқовбосди, киши асабини тинчлантирувчи, маълум даражада фойдали озиқ моддаларга бой хосиятли ичимлик ҳисобланади. Айрон тайёрлаш учун сув қайнатилиб, сўнгра совутилади. Қатиқ ёки сузмага шу сувдан озгина қўшиб, ёғоч қошиқда аталанади, сузма (қатиқ) қаймоқдек бўлиб, латифланганидан кейин каттароқ идишга солинади, устига совутилган сув қуйиб яна аталанади. Тайёр айрон илиб қолмаслиги учун унга бир бўлак муз солиш мумкин.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, чанқовбосди ичимликларни ўта чучуклаштириб юбормаслик керак. Карбонсувлар суиистеъмол этиладиган бўлса, киши аъзоларида содир бўладиган нозик биокимёвий жараёнларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Умуман, ёзнинг иссиқ паллаларида ичиладиган сувлар қайнатилган бўлишига алоҳида аҳамият берилиши лозим.

Маннон НАБИЕВ,
*Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими.*

*Дилкаш суҳбатлар*

# УМР— ЎТКИНЧИ, ЯХШИЛИК— БОҚИЙ



***«Умр ўткинчидир, шаҳарлар боқий» деб ёзган эди машҳур шоиримиз Мақсуд Шайхзода. Шу сўзни инсон ҳаётига тимсол қилсак бўладими? Бўлар экан: «Умр ўткинчидир, яхшилик боқий» десак, бу бесамар яшалмаган умрга ҳамду сано янглиғ жаранглайди. Серқирра ижод соҳиби, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, икки марта Беруний мукофоти соҳиби Абдуқодир Ҳайитметов ана шундай яхшилик ила йиллар бағрини яшнатган инсонлардан биридир.***

**— Абдуқодир ака, бугун йиллар ва йўллар ҳақида сўзласангиз, қалбингиздан кечган туйғуларни изҳор этсангиз...**

— Инсон қалби худди кино тасмасига ўхшайди. Неча йил умргузаронлик қилса кўрган-кечирганларининг барчасини қалбига нақш этиб бораверади. Олис болалик, ёшлик хотиралари қачондир кўз ўнгимизда гавдаланади.

Тошкентнинг Жўрабек додхоҳ маҳалласида ўсганман. Жўрабек додхоҳни биласиз. Асли шаҳрисабзлик. Биринчи ўзбек генерали бўлган. Қўйлиқнинг ёнбошидаги Қорасув даҳаси унга инъом қилиб берилган. Жўрабек додхоҳ бу ерларни ниҳоятда обод қилиб юборган. Олма, узумлар, ноку жийдалар сероб эди боғда. Шу ерда ўртоқларим билан мол боқар эдик. Мевалардан баҳраманд бўлардик. Жўрабек додхоҳнинг уйида катта кутубхона бўларди. Мактаб ҳам шу ерда эди. 6-синфгача ўқиб, сўнгра янги мактабга кўчиб кетганмиз.

**— Сиз Жўрабекни кўрганмисиз?**

— Йўқ. У муҳтарам зот 1906 йилда сирли равишда вафот этган. Лекин ўғли Оллоқулибекни кўрганман. Баланд бўйли, барваста, елкадор киши эди раҳматли. Маҳалланинг маъракаси, тўй-ҳашамларида кўрган эдим.

Хуллас, китобга болалик йилларимдан ошно бўлдим. Мол боқишга чиққанда қўлимдан китоб тушмасди. Қорасув соҳилида қанча-қанча китобларни ўқидим, ёд олдим.

1939-1940 йилларда ҳазрат Навоийнинг 500 йиллик тўйига тайёргарлик бошланди. Айнан шу даврлардан бошлаб Алишер Навоий ғазалларини ўқиб, ўргана бошладим.

Илк ўқиган китобим «Чор девон» бўлган эди. Ушбу китоб шоир ҳазратларининг терма ғазаллари тўплами эди. Китобни раҳматли Ўзбекистон халқ шоирлари Уйғун билан Собир Абдуллалар нашрга тайёрлашганди. Китоб лотин ёзувида эди. Сўзбошини ҳам Уйғуннинг ўзи ёзган. Ҳали-ҳали эсимда: Уйғун Навоий ҳазратнинг энг ажойиб байтларидан мисоллар келтирганди. Китоб жуда ҳам машҳур, қўлма-қўл бўлиб кетган. Сабаби нашрга тайёрловчилар ўзлари истеъдодли шоирлар бўлиш билан бирга Навоийни ҳам пухта билишарди.

Кейинроқ Навоийнинг достонлари билан ҳам танишдим. «Фарҳод ва Ширин» достони раҳматли академик шоир Ғафур Ғуломнинг насрий баёни билан чоп этилган. Кўрган бўлсангиз керак, бир бетида Навоий матни, бир бетида матннинг насрий баёни бўларди. Ғафур ака таржимани уйида тайёрлаб келиб, Боқий, Анисий, Улфат домла сингари билимдонларга ўқиб берар, улар матнга солиштиришар, зарур бўлса таҳрир қилиб, тузатишлар киритишарди. «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» достонлари ҳам шу тарзда чопдан чиққан эди. Шу китоблар орқали Навоий достонларига йўл топдим.

Ўша пайтларда Тошкент Давлат университетининг шарқ факультетида таҳсил олардим. Саъдий, Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий ижоди билан ана ўшанда танишганман. Ўқиб-ўрганиб билдимки, Шарқ адабиёти ниҳоятда бой, чуқур мазмунли адабиёт экан. Диплом ишим учун Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» асари таҳлилини танладим. Ушбу табаррук асарни ўқиб туриб, чуқур хаёлга чўмдим. Кичик ҳикоятларда қанчалар теран мазмун! Саъдий ҳам, Ҳофиз ҳам, Фирдавсий ҳам, Навоий ҳам буюк даҳолар эканлигини англадим. Ниҳоят Навоий асарларига борлиғим билан асир бўлдим. Ҳазратнинг этакларидан маҳкам ушладим.

**—Демак, илмий ишларингиз Алишер Навоий ҳазратнинг асарларини ўрганиш билан боғланди...**

— Худди шундай! Боғланганда ҳам бир умрга боғландим. Аспирантурада «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» деган мавзуда илмий иш олиб бордим. Кейинроқ «Навоийнинг ижодий методи» катта тадқиқот устида ишладим. «Навоий лирикаси», «Навоийнинг ижодий методи масалалари» сингари китобларим босилиб чиқди. Улар менинг кўп йиллик меҳнатим, изланишларим маҳсули эди. Китобларимни илмий жамоатчилик, ўқувчилар аҳли яхши баҳолади. Танлаган йўлим тўғри эканлигини эътироф этишди.

***Абдуқодир ака билан Алишер Навоий ҳазратнинг даҳо ижоди — «Ҳамса»нинг яратилиш тарихи хусусида дилкаш суҳбат қилган эдик. Шунда у кишининг чуқур билими, Навоийга бўлган беадад ҳурматининг гувоҳи бўлганман. Домла ўйлаб, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб айтардилар. Ўшанда домлага қаттиқ ҳавасим келган. Ахир шундай улкан маънолар хазинасидан баҳраманд инсонга кимнинг ҳаваси келмайди.***

***Абдуқодир акага ўшанда бир савол бергандим:***

***— Навоийни ўрганиб бўлиб, қайси шоирнинг ижодини тадқиқ этасиз?***

***— Навоийнинг ижоди, — деган эди Абдуқодир ака, — ўнта Ҳайитметов ўрганса ҳам қати бузилмай тураверади. У шундай улкан бир уммон. Ҳозир ўша саволим ёдимга тушса...***

**— Абдуқодир ака, сиз кўплаб алломаи замон устозлар билан бирга меҳнат қилган экансиз...**

— Бу борада мен чинакамига омадли инсонман. Ҳурматли Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Собир Абдулла, Воҳид Зоҳидов, Порсохон Шамсиевлар билан ёнма-ён ишлаганимдан бахтиёрман. Уларнинг ҳар бири ўзгача бир олам эди. Кунимиз йўқ эдики, Навоий ижоди хусусида баҳслашмасак.

Порсохон Шамсиев, Солиҳ Муталлибов, Содиқ Мирзаевларнинг доно маслаҳатларини доимо миннатдорчилик билан эслайман. Воҳид Зоҳидов Навоийни ҳеч қачон Навоий деган эмас. Ҳамиша «Пир, устод» деб тилга оларди. Порсохон ака билан 20 йил ёнма-ён ишладим. У киши тирик луғат, сўзлар хазинабони эди. Шундай вақтлар бўлардики, Навоий матнини ўқиётиб тушунмайдиган сўзларга дуч келардик. Порсохон ака ўта билимдонлик билан шу сўзнинг мағзини чақиб берарди.

Ходи Зариф домлани чуқур муҳаббат билан эслайман. У киши Алишер Навоий «Ҳамса»сининг Абдулжамил котиб кўчирган энг асл нусхасини излаб топиш, сақлаш, давлат рўйхатидан ўтказишда озмунча тер тўкдими? Ходи Зариф домла буюк шоирнинг фольклор билан боғлиқ томонларини ўрганишга бел боғлаган, ниҳоятда катта юмушларни бажарган забардаст олим эди.

Улуғ алломалар Ойбек, Воҳид Зоҳидовлар билан бир қаторда озарбайжонлик Ҳамид Араслий, тожикистонлик Абдулғани Мирзаевлар билан ҳам ҳамкор, ҳамфикр бўлиб ишлаганимни ризолик билан эслайман. Чунки Навоий ҳазратни ўрганиш учун фақат ўзбек тилини билиш кифоя қилмайди. Солиҳ Муталлибовдек араб, Порсохон акадек форс-тожик тилини пухта эгаллаш керак. Устозлардан кўп нарса ўргандим. Улардан умрим борича миннатдорман.

**— Домла, инсон табиати қизиқ: янги довонларни забт этиш баробарида келгуси довонларни эгаллаш режаларини тузаверади...**

— Режаларимиз катта. Шахсан меники десам нотўғри бўлади. Навоийшунослик олдига ҳам бугун катта вазифалар қўйилди. Илгари Навоий асарлари маълум даражада бир томонлама ўрганиларди. Энди Навоийни умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан, иймон, эътиқод, ихлос нуқтаи назаридан ўрганишимиз зарур.

Биз Алишер Навоийнинг 20 жилдик асарлар мажмуасининг 12-жилдини нашрга топширдик. Ушбу жилдда «Лисонуттайр» асари ўрин олади. 13-жилдни эса «Мажолисун-нафоис» тазкираси ташкил қилади. Ушбу нашр аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Чунки бу нашрларда асарларнинг биронта сатри ҳам тушириб қолдирилаётгани йўқ. Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиёт институти Навоий бўлими ижодий жамоаси томонидан «Навоий ва ислом» китоби тайёрланди. Бўлим шунингдек уч йилдан бери иш олиб бораётган «Тасаввуф ва ўзбек адабиёти тараққиёти» деган катта мавзуни якунлади. Унда Навоий асарларида тасаввуфга бўлган муносабат кенг ёритиб берилди. Бўлимнинг иш режаларидан бири «Навоий асарларининг поэтикаси тадқиқоти» тугалланиш арафасида. Икки жилдлик «Ўзбек панд-насиҳат адабиёти» хрестоматияси деярли тузиб бўлинди. Унда ҳам бобокалон шоиримиз асарлари бисёр. Умуман Навоийнинг асарлари устида ишлашни бир соат ҳам тўхтатиб қўймадик. Чунки Мустақиллигимиз даврида Алишер Навоий ижодига бўлган эътиқод яна ҳам кучайди. Биз навоийшунослар буни доимо ёдда сақлаймиз.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ўлмас ижодий меросини тарғиб қилиш мақсадида чиқарган фармойиши ҳам айни муддао бўлди.

***Суҳбат давомида домла сира ҳам мен шундай ишлар қиляпман, демади. «Шу китобларда менинг ҳам ҳиссам бор» деди. Бундай камтарлик домланинг ўзига жуда ярашиб турибди. Эл хизматига камарбаста бўлиб турган олим Абдуқодир Ҳайитметовга Навоий ижоди уммонида кўп йиллар дарға бўлиб, ҳадсиз дуру инжуларни халқимизга тортиқ этишини тилаб қоламиз.***

Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.

*Сеҳрли рақамлар*

# ОСМОН ТЎҚҚИЗ ҚАВАТМИ?

***Рақамлар олами шундайин сеҳрли маъвоки, уларнинг ичига кирган инсонга орқага йўл йўқ. Дарҳақиқат, рақамлар ҳақида кўплаб маълумотлар, мавзулар мавжуд. Шу жумладан, рақамларнинг фалакий талқинлари хусусида.***

Чунончи бир рақами — оламнинг ягоналигини билдирса, икки рақами— тун ва кунни, уч рақами — оламнинг уч қиёфасини, тўрт рақами — оламнинг тўрт тарафини, беш рақами — бир макондаги тўрт унсурни, олти рақами — оламда вақтнинг ҳукмдорлигини, етти рақами — самодаги етти сайёрани билдиради. Шу жумладан, саккиз ва тўққиз рақамларининг ҳам фалакий маънолари, талқинлари мавжуддир. Масалан, тўққиз рақами ҳақида кўплаб маълумотларга ҳаётда дуч келамиз.

Ёшлигимиздан эшитиб келаётган эртакларимизда, достонларимизда уларнинг қаҳрамонлари тўққиз кеча-кундуз йўл юрсалар ҳам мўл юрадилар. Ёки чақалоқнинг таваллуд топиши тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқадан сўнг рўй беради. Бола таваллуд топди. Энди унинг ҳаётининг турли дақиқаларида турли урф-одатлар қамраб олади. Жумладан, бола ҳаётининг беш, тўққиз ва ўн бир кунликларида маросим ашулалари айтилади. Бола ҳаётининг тўққиз кунлигида қуйидаги мазмундаги ашула айтилади:

**Кун санадик — тўққиз кун,**
**Бўлди ҳаёт муқаррар.**
**Ҳасад чекин энди сен**
**Гўдак бор, сен бегона.**
**У ҳар ерда севимли,**
**Уйимизда шаҳзода**
**Бизнинг Қуёш Ойимиз,**
**Мустаҳкамдир уйимиз.**

Бола энди катта бўлди. У билан эндиги суҳбатларда ҳаётнинг гўзаллигини ва унинг тилсимлари сирини мақоллар, топишмоқлар ва матал ҳамда иборалар билан ечишга ҳаракат қиламиз.

Тўққиз ҳақида қуйидаги мақоллар бор:

**Тўққиз ойлик тўйғизар.**
**Етти ойлик етказар.**

Бу мақолнинг маъносини очишга қуйидаги топишмоқлар ёрдам беради.

**Бир бўри тўққиз қулонни еб турур,**
**Терисини офтобда ёймай кийиб турур.** (Қиш ва ёз).

«Учовлон тўққизни урди», «Тўққиз жондорни уч жондор еган», «Тўққиз ойга уч ой баробар келади», «Тўққиз ой ишлаймиз, уч ой еймиз», Тўққиз ой меҳнату уч ой роҳат». (Баҳор, ёз, куз, қиш).

Тўққиз сонининг ўзига хос маънолари маталларда ҳам қизиқарли акс этган. «Тўйган ерда тўққиз кун» ёки «Тўққиз қизнинг тўлғоғи бир кунда келади».

Биринчи маталда қандайдир чекка ёйи, чегара маъноси намоён бўлса, иккинчи маталда қандайдир изтироблик ҳолат намоён бўлади. Тўққиз рақамига мурожаатни тасаввуф мулкининг султони Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам учратамиз.

**Тўққиз ой тўққиз кунда**
**ерга тушдим,**
**Тўққиз соат туролмадим**
**кўкка учдим.**
**Аршу курси поясини**
**бориб кучдим,**
**Ул сабабдин олтмиш**
**учда кирдим ерга.**

Ёки

**Қул Ҳожа Аҳмад, етти**
**ёшда сабоқ олдим,**
**Саккизимда дунё укбин**
**талоқ қўйдим,**
**Тўққизимда худойимни**
**ҳозир билдим,**
**Ломаконда Ҳақдин сабоқ**
**олдим мано.**

Биз бу ҳикматларда етти, саккиз, тўққиз ва олтмиш уч рақамларида бир олам маъно борлигига эътиборни қаратамиз. Айни баёнда тўққиз рақамининг тилсимини очишга ҳаракат қиламиз. Бу истакнинг ижобати Аҳмад Яссавийнинг ушбу ҳикматида жоиз бўлишига шоҳид бўламиз.

**Фармонини маҳкам тутиб**
**тезроқ учгай,**
**Тўққиз осмон ваҳми**
**бирла қўрқуб қочгай.**
**Қабр ичинда ҳуру ғилмон**
**суюнуб кучгай;**
**Мунда йиғлаб охиратда**
**кулмасмусан.**

Бу ҳикматда қуйидаги сатр: «Тўққиз осмон ваҳми бирла қўрқуб қочгай» — бизни қизиқтирган тилсим ечимига ишора қилади. Лекин осмон биттаку, ҳикматда эса тўққизта осмон бор дейилади. Буни қандай тушуниш керак? Ҳа, ҳақиқатда осмон битта. Аммо қадимги замонларда, кўҳна астрономияда аждодларимиз баъзи бир самовий ҳодисаларни тушунтириш учун уларга бир эмас, бир неча самовий гумбаз — осмонлар керак бўлган. Масалан, оддий ҳақиқатки ҳамма нарса заминга тортилади. Бас шундай экан, оламнинг маркази Ерга (кўҳна астрономияда, қадим замонларда Ер куррасини оламнинг маркази деб тушунтиришган) нима учун Ой, Қуёш ва юлдузлар тушиб кетмайди. Бу фавқулодда ҳодисанинг изоҳлари бўлиб, улардан бири машҳур Александр Македонский — Искандар Зулқарнайннинг устози Аристотелга тегишлидир. Шарқда бу донишманд Арасту номи билан машҳурдир. Арастунинг фикрича кўкда бир қанча биллур сфера, думалоқ сиртлар бўлиб улардан: бирига — Ой, иккинчисига — Қуёш, учинчисига — Утторуд, тўртинчисига — Зуҳра, бешинчисига — Миррих, олтинчисига — Муштарий, еттинчисига — Зуҳал маҳкам жойлашган. Саккизинчи биллур думалоқ сиртга — ҳамма қолган ёритқичлар, юлдузлар жойлашган. Ва ниҳоят бу саккизта сиртни ўз бағрига сўнгги тўққизинчи охирги сирт олади. Мана, тўққиз қават осмон бир-бирининг ичига жойлашган ҳолда намоён бўлди. Айни дамда тўққиз рақамининг фалакий маъносига ва Аҳмад Яссавий ўз даври даражасида фалакнинг тузилишидан боҳабар бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Саидбаҳром АЗИЗОВ,
фалакшунос.

*26 июнь — Гиёвандликка қарши кураш куни*

# ЁШЛИКНИ ЗАВОЛ ЭТУВЧИ ОҒУ

Гиёвандлик оғир касалликлардан бўлиб, инсониятга қадим замонлардан маълум. Бу дард ижтимоий сабаблар билан боғлиқ бўлиб, кўпинча ўсмирлар орасида илдиз отади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, гиёвандлик бензин ва турли бўёқларни ҳидлашдан бошланади. Сўнгра кайф берувчи хабдориларга ўтилиб, ўсмирнинг тенгдошлари орасида тотиб кўрилади. Одатда бу хилдаги ҳаракатлар бошқа ўсмирлардан ажралиб қолмаслик, қизиқиш юзасидан унинг мазасини тотиб кўриб, ўзини «катта киши» қилиб кўрсатиш учун амалга оширилади. Кўпинча ўсмирлар ўзидан каттароқ гиёванднинг маслаҳатига, унинг тазйиқига берилиб, бу ишга қўл урадилар. Натижада эндигина 12—15 ёшга кирган ўсмир ахлоқи бузила бошлайди, унда руҳий беқарорлик, феълида эса жиззакилик сингари салбий ўзгаришлар кузатилади.

Бора-бора ўсмирнинг хулқи ўзгариб, атрофдаги кишиларга азият етказадиган бўлиб қолади. Бўлар-бўлмасга жаҳли чиқиб ўзгалар билан жанжаллашади. Бу ёшда ота-онаси билан бўлган алоқани бўшаштиришга, унинг назоратидан чиқишга ҳаракат қилиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Катталарнинг сўзига кирмайди. Изтиробларини зўр бериб яширишга уринади. Бундай ўсмирлар кўп ҳолларда тарбияга етарли эътибор бермайдиган оилаларнинг фарзандлари бўлишади ёки уларнинг ота-оналари ҳам гиёванд ёхуд ичкиликбоздир.

У ёки бу даражада гиёванд моддаларни мунтазам истеъмол қила бошлаган ўсмирлар кейинчалик бунга ўрганиб қоладилар. Улар ана шундай моддани топа олмасалар, хумор тута бошлайди. Аввалига руҳий тарзда гиёвандликка боғланиб қолган ўсмир кейинчалик жисмоний томондан ҳам унга тобе бўлади. Яъни жисмоний томондан ўзини яхши ҳис қилиши, ақлий қобилияти ана шу оғуни истеъмол қилиш билан боғланади, хуллас ўсмир унинг қулига айланади.

Хумор тутганда ўсмирда руҳий томондан тушкунлик, қўрқув ҳис-туйғулари бошланиб, мускулларда, қоринда оғриқ туради, қон босими тушиб кетади. Беихтиёр оғзидан сўлак оқиб, баъзи ҳолларда тутқаноқ тутиши мумкин. Бунда фақат гиёванд модда истеъмол қилингандан кейингина ўсмир «ўзига келади». Ҳар сафар тана бу оғунинг тобора кўпроқ дозасини талаб қила бошлайди. Чунки баданнинг бу моддага чидамлилик даражаси тобора ортиб боради. Табиийки, бундай эҳтиёжни қондириш учун беморга кўп пул керак. Пул тополмаган гиёванд ўсмир жиноятга қўл уради. Шундан кейинги манзара яна ҳам даҳшатли тус олади: ўсмир ҳужумкор, қўпол, ёлғончи бўлиб қолади. Шунингдек унда энди янги касалликлар — жигар ва буйрак оғриғи пайдо бўлади. Вена қон томирига ифлос дорининалар билан гиёванд модда юборилиш натижасида турли йирингли яралар терини қоплай бошлайди. Кўп ҳолларда гиёванд модда ўрнига турли кимёвий моддалардан фойдаланиш оқибатида тананинг ҳимоя қобилияти батамом тугайди ва аксарият ўсмирларнинг жуда ёш ўлиб кетишига сабаб бўлади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўсмирлар орасида бир марта бўлса ҳам гиёванд ва бошқа заҳарли моддаларни ўз танасида синаб кўрган ёшлар 10—20 фоизни ташкил этаркан. Хўш, бундай тарзда маст бўлиш белгилари нималарда намоён бўлади? Педагоглар касаллик бошланган пайтдаёқ унинг олдини олиш учун ўсмирни ўз вақтида шифокор ҳузурига йўллаш учун бир қанча аломатларни билиб олишлари керак. Биринчидан, бунда кишининг хулқ-атвори ғалати бўлиб қолади, бекордан-бекорга кулаверади. Баджаҳл, серзарда, серҳаракат ёки аксинча маъюслик ҳолати кузатилади. Фикр тарқоқ бўлиб, нутқи бузилади, узуқ-юлуқ жумлалар, нотўғри гаплар кузатилади. Иккинчидан, кўз қорачиғи кенгайиб, нигоҳлари қотиб қолади. Ўсмирнинг кийим-кечакларидан, шунингдек оғзидан бензин, ацетон каби кимёвий моддалар иси келади. Учинчидан, иштаҳа очилиб, ютоқиб овқатланади. Аста-секин аъзои бадан бўшашиб мудроқ босади. Юриш-туриш ўзгариб, ҳаракатлар ноаниқ, мувофиқлашмаган, тасур-тусур ҳолатда бўлиши гиёванд модда истеъмол қилинганлигининг аломатидир.

Бундан бошқа яна бир қанча белгилар мавжуд бўлиб, улар нарколог-шифокор учун бирор кишининг маст қиладиган модда истеъмол қилганлигини аниқлашда асос бўлади. Шунингдек, баданда гиёвандлик бор- йўқлигини билиш мақсадида тана суюқликлари (қон, сўлак) тадқиқ этилади. Шуни яна бир бор таъкидлаш керакки, гиёвандли ва токсикомания касалликларининг ўз вақтида аниқланиши ва уларни даволашга ўз вақтида киришилиши ушбу оғир дарддан қутулиш гаровидир.

Нодира ВАЛИЕВА,
шифокор-нарколог.

*Қизиқарли география*

# ЖОЙ НОМИДАН ОЛИНГАН

***Шаҳар, мамлакат, тоғ ва айрим биноларнинг номларидан янги сўзлар яратилган. Шундай «янги географизм» — яъни топономдан ҳосил қилинган сўз топоном деб аталган. Топономлар барча тилларда бор. Шу жумладан ўзбек тилида анчагина. Улар бир тилдан бошқа тилга кўчиб, ўзлаштирилиб, байналмилаллашиб кетган.***

Болонья, жерси, бостон, крепдешин, поплиндан тикилган кийимларни кийган киши «география»ни кийганлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳолбуки, Балонья ва Паплин Италиядаги шаҳарлар; Жерси — Франциянинг шимолидаги орол; Бостон — Америка қўшма штатларидаги шаҳар, Тюль (тўр) — Франциядаги шаҳар; крепдешин — «Хитой матоси» (креп — «Мато», шин — Чин, Хитой); эпонж — Японияни англатади.

Ичимлик, мева, кийим-бош, музика, рақс; тахаллус ва турли буюмларнинг номлари ва тушунчалар ҳам жой номларига боғлиқ. Масалан, тамаки (яъни, табак) сўзи Кубадаги Табага водийси номидан келиб чиққан, чунки бу ўсимлик дастлаб ўша ердан келтирилган. Бундан 40-50 йиллар муқаддам газ сувни «селтир сув» деб ичардик. Бу сўз — Германиядаги Нидерсельтрес қишлоғининг номидан олинган.

Жой номлари ўрон (пароль — шартлашилган махфий сўз) ўрнида ишлатилганлиги ҳам тарихдан маълум. Бобурнинг эслашича XV аср охирида бир юришда махфий ўрон «Тошканд» билан «Сайрам» эди. «Тошканд» деса — «Сайрам», «Сайрам» деса «Тошканд» дейилган. Айниқса ҳарбий юришларда кўп қўлланилган. Ҳозир ҳам радиоалоқаларда, ҳарбий машқлар пайтида ва бошқа жойларда ҳам географик номлар ўрон-шартлашилган махфий сўз вазифасини ўтамоқда.

«Олимпиада» — спорт сўзи — Грециядаги Олимп тоғи исмидан олинганлиги ҳаммамизга маълум. Жанубий Европадаги Альп тоғлари номидан кўпгина топонимлар — альпинизм, алпинист, альп бурмаланиши, альп ўтлоқлари каби сўзлар келиб чиққан.

Маълум жойларнинг номлари геологик даврлар ва айрим ҳодисалар билан ҳам боғлиқ. Масалан, кембрий — Англиядаги, Уэльс вилоятининг қадимий номи. Ордовик ва Силур — Англиянинг жанубида яшайдиган қабилалар номи. Девон — Англиядаги графлик, Перьм — Уралдаги шаҳар, Юра — Франциянинг шарқидаги тоғлар. Каледон — Шотландиянинг лотинча номи.

Америка номининг ўзи бир қанча тушунча ва қочириқларнинг яратилишига сабаб бўлди. Америка очмоқ (азалдан ҳаммага маълум бўлган нарсани айтиш), америкалик амаки (бойвачча), «амиркон махси» кабилар. Жигули шаҳри номидан эса автомобиль, пиво номлари келиб чиққан.

Кўпгина улуғ шахсларнинг нисбат ва тахаллуслари ҳам жой номидан олинган. Ал-Хоразмий, Фарғоний, Бухорий, Форобий (Сирдарё бўйидаги Ўтрор шаҳрининг бир номи), Қошғарий (қошқарлик), Самарқандий, Сарёмий (сайрамлик), Деҳлавий (деҳлилик), Жомий, Шерозий, Хўжандий (кичик Осиё шаҳарларининг номлари) ва бошқалар.

Ҳирот, Деҳли, Тошкент, Самарқанд каби йирик шаҳарларнинг тарихий дарвозалари ҳам шаҳарлар номи билан юритилган.

Ўзбек тилида топономларга, яъни номларга боғлиқ жуда қизиқ сўзлар бор. Масалан, узум нави шибирғони — Афғонистондаги Шибирғон шаҳри номидан олинган. Қурама гуручи, ангори эчки, маккажўхори, қўқон жўхори, ҳисори қўй, қоракўл ва бошқалар ҳам шулар жумласидандир.

Шотут сўзи, кўпинча «Шохтут» изоҳланади, аслида эса шомтут, яъни Шом (Сурия) номидан олинган. Халқ тилида айтиладиган балиқ тути аслида балхи тутдир. «Афғонистондаги Балх шаҳри номидан олинган. Жилон жийда сўзи Эрондаги Ғилон (Жилон) вилояти номидан олинган, кишмиш узуми — Эрон жанубидаги Кешм ороли номига боғлиқ.

Биргина Ироқ номи ироқи дўппи, ироқи совун ва «Ироқ» куйини яратди. Шампань номи эса Франциядаги жой номи билан боғлиқ.

Республикамиз вилоятларидаги маҳаллий шеваларда жой номидан ҳосил бўлган жуда кўп сўзлар оғиздан-оғизга ўтиб юради. Булар халқимизнинг дунёвий ва бадиий-адабий савиясининг кўрсаткичи, узоқ мамлакатлар билан маданий ва савдо алоқаларининг далилидир. Жой номларидан келиб чиққан сўзлар, тушунча ва иборалар тилимизнинг луғат таркибини бойитишга хизмат қилади.

Дония ЗОКИРОВА.

*Тўйчи Қори хандалари*

## НАРИГИ ДУНЁДА

Тўйчи Қори бир гуруҳ қизиқчилар билан бетоб ётган Охун қизиқни кўргани борибди. Охун қизиқ меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олибди.

— Келинглар, келинглар. — Сўнг қўшиб қўйибди: Сафар қариб қолганга ўхшайди, начора. Мабодо у дунёда тўй-томошалар кўпайиб кетгудек бўлса, сизларни ҳам албатта айтгизиб юбораман, бормай қолманглар...

## «СОМОНРАНГ ЭКАНСИЗ»

Қори кунларнинг бирида бир қишлоққа тўйга борибди. Чилдирмалар бакабумбанг, ўтирганлар ширакайф экан. Қорни оч қизиқчи борасолиб, ўзини овқатга урибди. Сўнг оғилдаги сомонга ёнбошлаб, пинакка кетибди. Бир маҳал бир киши кириб «ҳой, меҳмон»! дея сомонни бир томондан ағдара бошлабди.

— Мен бу ёқдаман-ку, кўрмадингизми?

— Кўрмабман, меҳмон, кўрмабман, сомонранг экансиз, — дебди ҳозиржавоблик билан мезбон.

## ЧИПТАНГ ҚАНИ?

Қизиқчи Тошкентдан билетсиз поездга ўтирибди. Вагонда чайқовчи проводникни таниб қолиб, бир боплай деб аҳд қилибди.

Вагон оғаси патта текшира бошлагач, Қори кўзларини чирт юмиб, миқ этмай ўтираверибди. Ундан ҳеч нарса «ундиролмаган» вагон оғаси тоқати тоқ бўлиб, нари кетибди.

## ДУРБИН КЎЗ

Тўйчи қизиқнинг халқ орасида дурбинкўз деган лақаби бор. Бу албатта, кўзларининг қисиқлигидан бўлса керак. Қизиқчининг ўзи эса мана бундай дейди:

— Онам мени тўйхонада туғиб қўйган экан. Гўдакнинг кўзларини шу ердаги кампир момолар тирнаб очишиб: оти Тўйчи дурбинкўз бўлади. Кўзлари уруғдек бўлсаям, учиб бораётган бурганинг жинсини айириб беради, — дейишган экан.

## ЖУВОЗХОНАДА

Тўйчи қизиқ ёшлигида бой эшигида жувозхонада ишларкан. Зиқна бой на унга, на ҳўкизларга ҳеч дам бермас экан.

Қизиқчи бир куни ҳўкизларни шартта тўхтатибди-да, тагига похол тўшаб ётволибди. Яқин орада юрган бойнинг ўғли дарғазаб югуриб келибди:

— Нима гап?

— Ҳеч гап йўқ, — дебди қизиқчи сиполик билан, — мановиларга янги латифа айтиб беряпман.

Бойвачча бу жавобдан ўсал бўлиб, ҳеч нима дея олмабди.

Мирзаали АКБАРОВ.

*Мусобақадан кейинги ўйлар*

# МУВАФФАҚИЯТЛИ ДОВОН

***Шаҳримизда яна бир ажойиб халқаро мусобақа — Тошкент челленжер аёллар турнири якунланди. Бир ҳафта давомида республикамиздаги теннис мухлислари қизиқарли беллашувларни томоша қилиб, олам-олам завқ олдилар...***




Ушбу турнир аёллар ўртасида республикамизда илк бор ўтказилган нуфузли мусобақа эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳозир Олег Огородов ва Дмитрий Томашевичлар маҳоратига фақат ўзбекистонлик эмас, балки кўплаб хориж мамлакатларида тан беришмоқда. Улар ортидан эса бир гуруҳ умидли теннис усталари етишиб чиқмоқда. Зеро, О. Огородов ва Д. Томашевичларнинг Атланта олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишлари ҳам бежиз эмас. Бу ўзбек теннисининг нуфузига жаҳон узра берилган ҳақли баҳодир. Республикамизда спортнинг барча турлари, айниқса теннисга муҳим эътибор қаратилаётгани, жойларда жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи кўплаб муҳташам теннис кортларининг қурилиши эркаклар тенниси билан бирга аёллар ўртасида ҳам спортнинг бу тури ривожига катта туртки бўлмоқда. Лилия ва Луиза Биктякова, Ирода Тўлаганова, Оксана Ярикова, Наталья Никитина, Ольга Артемьева каби бир қатор ёш теннисчиларнинг етишиб чиқиши, бу — аёллар теннисининг ҳам халқаро майдонга чиқиши учун замин яратаётганди.

Ана шу сабабдан куни кеча якунланган челленжер аёллар турнирини ўз вақтида ўтказилган жуда муҳим спорт мусобақаси сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, Германияда Ш. Граф ва Б. Беккерларнинг муваффақиятидан сўнг у ерда том маънода теннис «уйғониши» бўлди ва улар орқасидан кўплаб иқтидорли спортчилар етишиб чиқди. Бинобарин, челленжерда иштирок этиб, зарур тажриба тўплаган ёш теннисчиларимиз учун бу турнир муҳим чиниқиш мактаби вазифасини ўташи аниқдир.

Турнир мукофот жамғармасининг анчагина салмоқли — 25 минг АҚШ долларидан иборат бўлганлиги, ўзбек теннисининг жаҳонга юз тутгани буларнинг бари Тошкентга Германия, АҚШ, Франция, Австрия, Испания, Исроил каби етакчи теннис давлатларининг кучли спортчилари ташриф буюришига, демакки мусобақаларнинг қизиқарли ва юқори савияда ўтишига имкон яратди. Мусобақа спорт ишқибозлари, мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди. Буни юртимиздаги етакчи теннисчилар, мутахассислар ва хориждан ташриф буюрган спортчиларнинг фикр-мулоҳазалари орқали ҳам билиб олиш қийин эмас. Шундай қилиб сўз уларга:

**• Генрих ДАШЕВСКИЙ, Ўзбекистон теннис федерациясининг вице-президенти, «Динамо» теннис клубининг президенти:**

— Ўйлайманки, Президентимизнинг шахсий ташаббуслари ила доимий ҳамкоримиз швейцариялик тадбиркор С. Какшури ва республика теннис федерациясининг бош-қошлигида ўтган аёллар челленжер мусобақалари юртимиз спорт ҳаётидан муносиб ўрин эгаллади. Бу ёш теннисчи қизларимизнинг мусобақа тажрибасини орттириши, етакчи теннис усталарининг ўйин услублари билан танишиб ўз маҳоратларини оширишларида муҳим ўрин тутади. Эркакларимиз билан бир қаторда спортчи қизларимиз ҳам доимо спорт ҳаётида «қайнаб-тошишлари» керак. Турнирда айниқса Германиядан «Ракет сентер» теннис академиясида таҳсил олаётган опа-сингил Биктяковалар, И. Тўлагановалар ўйини яхши таассурот қолдирди. Бу улар олаётган назарий билимларнинг амалий тадбиқи ҳам эди.

Энг муҳими, мусобақада йигирмата давлатнинг қатнашганлиги, бу жаҳонда юртимиз спортига ҳурмат билан қарашаётганидан яққол далолатдир.

**• Светлана СИНИЦИНА, ўзбек теннисининг фахрийларидан, бир неча бор Ўзбекистон ва собиқ Иттифоқ биринчиликларининг ғолиби:**

— Биз бундай мусобақани узоқ вақт кутгандик ва ниҳоят унга эришдик ҳам. Турнирда ўзига яраша кучли теннисчилар қатнашганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мен, ишонаманки Республикамизда аёллар теннисининг келажаги порлоқ бўлади. Мана шунақа мусобақалар тез-тез ўтказилиб турилса, бундан ташқари қизларимиз хориждаги кучли турнирларда ҳам қатнашсалар, нур устига аъло нур бўларди. Катта теннис билан 15 йилдан ортиқ шуғулланаётган бўлсам-да, ҳали ҳам бу сеҳрли оламни тарк этгим келмаяпти. Насиб этса Қозоғистонда бўладиган мусобақада қатнашмоқчиман. Москвада июль ойида ўтказиладиган Қуролли кучлар мусобақасида иштирок этиш ниятим бор. Хуллас, ёш теннисчиларимиз билан бирга турнирларда қатнашиб, уларга ўз тажрибаларимни ўртоқлашсам дейман.

**• Елена Брюховец (Украина), жуфтлик баҳсларида мусобақа ғолиби:**

— Авваллари ҳар йили апрель ойида шаҳрингиздаги «Динамо» кортига машғулотлар ўтказиш учун келардик. Бу ерда ўтказилган кўп чемпионатларда қатнашганман. Яна қадрдон кортларда беллашиб, ғалаба қозонганимдан хурсандман. Кўриниб турибдики, «Динамо»да катта таъмирлаш ишлари олиб борилибди, у жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражага келибди. Мусобақанинг ташкилий томонлари ҳам юқори даражада бўлди. Ўйлайманки, анъанавий бўлиб қоладиган ушбу мусобақанинг кейингилари янада муваффақият билан ўтади. Агарда имконият бўлса, шаҳрингизга яна ташриф буюриш ниятидаман...

***Дарҳақиқат, Тошкент челленжер аёллар мусобақаси худди Президент Кубоги каби анъанавий бўлиб қолади. Бинобарин, энди мустақил республикамизда аёллар теннисининг ривожига ҳам шак-шубҳа йўқ!***

Дилшод ИСРОИЛОВ.

*Ҳайвонот оламида*

# ҲАРАКАТ МАНБАИ

Ер юзидаги барча жонзотлар — бактериядан тортиб инсонгача турли-туман, ҳаттоки ақл бовар қилмайдиган шароитларда яшашга мослашган. Нима учун тирик жонзотлар ана шундай ўта совуқ ёки ўта иссиқ жойларда яшаб кетишади? Гап шундаки, ҳар қандай тирик жоннинг ҳаёти ташқи муҳитнинг анчагина тор доирасида амалга ошади, бошқача қилиб айтганда ҳар бир ҳайвон тури маълум ҳарорат, намлик, ёруғлик ва ҳоказолар доирасида яшай олади. Бироқ бундай чекланган шароитлардан ташқарида ҳам ҳаёт давом этар экан.

Баъзи бир сув ўтлари 75 даражали, бактерияларнинг маълум турлари эса 100 даражали қайноқ булоқларда ҳам яшар экан. Арктика балиқлари эса ҳарорати музлаш даражасидан пасайиб кетган сувда ҳаёт кечиради. Тропик зонанинг чучук сувларида яшовчи баъзи бир балиқлар, масалан, гамбузия ҳарорати 43 даражали совуқ сувга мослашган. Ҳашаротларнинг ғумбаклари эса 45 даражали совуқда ҳам ҳалок бўлмайди. Ана шундай таажжубланарли ҳодисалар сабаби тирик мавжудотларнинг яшаш шароитига ғоят мосланувчан бўлиши билан изоҳланади.

Маълумки, кит, кашалот, дельфин, морж, тюлень, бўрон қуши ва пингвинлар, сув тошбақалари, илонлар одатда нафас олсада, сузиш пайтида уларнинг нафаси тўхтайди, бинобарин, танага кислород ҳам кирмайди. Шунга қарамасдан мазкур ҳайвонлар бир неча дақиқадан бир неча соатгача сув остида сузишлари мумкин. Масалан, дельфин 1,5 дақиқагача, кит бир соатгача, кашалот бир ярим соатгача, хитой тимсоҳи 2 соатгача денгизнинг ўта теран жойларида суза олади. Қизиғи шундаки, ана шу ҳайвонлар қонида кислород камайиб, карбонат ангидриди тўпланиб қолади. Қандай қилиб бу ҳайвонлар ана шундай ноқулай вазиятни енгади?

Гап шундаки, сувга шўнғиш олдидан улар қони, мускулларда кислород тўпланади ва анчагина иқтисод билан сарфланади. Шўнғийдиган ҳайвонларда нафас оладиган ҳаво таркибидан кислородни ажратиб олиш жараёни анча кучли кечади. Бундай жониворлар мускулларида кўп миқдорда миоглобин оқсили мавжуд бўлиб, у ҳам гемоглобин сингари кислород билан боғланиш хусусиятига эга. Мускулларнинг қизил ранги ҳам ана шу оқсилларнинг миқдорига боғлиқ. Шуни таъкидлаш керакки, миоглобиннинг кислород билан боғланиш қобилияти гемоглобинга қараганда ўн карра юқоридир. Шунинг учун ҳам миоглобин танада кислород танқислиги юз берганда қўл келади.

Ҳайвон танасидаги кислороднинг барча манбалари уни ҳаво билан тўла-тўкис таъминлай олмайди. Шунинг учун ҳам улар сувга шўнғиганда сарфланадиган кислород миқдорини камайтиришга, уни иқтисод қилишга мажбур бўладилар. Хўш бунга улар қандай эришадилар? Сув остида юракнинг уриш тезлиги 6 мартагача камаяди, бу эса ўз навбатида модда алмашишининг пасайишига олиб келади, нафас олиш ўқтин-ўқтин амалга ошади. Сув бетига чиққандан сўнг юрак уриши меъёрига қайтади. Тўқималарда йиғилиб қолган карбонат ва сут кислоталари қон орқали танадан чиқариб ташланади. Шундай қилиб кислородни эҳтиёт қилиш ва уни тежаб-тергаб сарфлаш механизми ҳайвонларга ўпка кислородидан фойдаланмасдан ҳам сув остида узоқ вақт сузиш имконини беради.

Бир неча ўн метр чуқурликда сузиб юрган дельфин эса сув бетига отилиб чиқади, бунда у ҳеч қандай касалликка чалинмайди. Бунинг сабаби шундаки, дельфин сувга шўнғишдан олдин атиги 2—3 литр ҳаво олади холос. Демак, бунда жонивор қанчалик теранликка тушса ҳам парво қилмайди, чунки 2—3 литр ҳаво таркибидаги азот гази қонга ўтиб эриган тақдирда ҳам дельфин босим ўзгаришидан таъсирланмайди. Одам эса сув остига анчагина ҳаво заҳираси билан шўнғийди, демак, унинг қони ва тўқималари газ билан яхшигина тўйинган бўлади.

Ташқи муҳитга мослашишнинг бошқача шаклини судралиб юрувчилар мисолида кўрайлик. Қорақум чўлларида юмалоқбош деган ювошгина калтакесак яшайди. Унинг душманлари кўп, лекин теп-текис чўлда яшириниш осон эмас. Юмалоқбош бунинг иложини топган. Хавф-хатарни сезган заҳоти бу калтакесак узала тушиб ётиб олади-да, худди безгак тутаётгандек қалтирайверади. Натижада қум четга сурилаверади ва юмалоқбош ўз-ўзидан қум остига кириб кетади. Кези келганда шуни айтиш керакки, олимлар калтакесакнинг бу ҳунарини ўрганиб, худди шу усулда ишловчи қозиқоёқ қоқадиган машина, бетон шиббаловчи вибратор яратдилар. Австралияда яшайдиган кенгуру деган ҳайвонни кўпчилик билади, конструкторлар ана шу жониворнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш асосида сакраб юрувчи машина моделини ясадилар. Бу кашфиётнинг афзаллиги шундаки, уни бошқа машиналар юра олмайдиган жойларда ҳам бемалол ҳайдаб кетавериш мумкин.

Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.

*Қилмиш — қидирмиш*

# ДАЙДИЛИКДАН ҚОТИЛЛИККА

Александр Ткач асли молдовалик. Муқаддам уч бора судланган. На, иш, на яшаш жойининг тайини бор — дайди. Унинг «рафиқа»си (на никоҳ, на расмий қайддан ўтмай бирга яшовчи аёли) Галина эса Красноярск ўлкасидан 1980 йили Ўзбекистонга келган. У ҳам Ткач каби дайдилардан. Булар ёлланма иш жойида 1991 йили ёз фаслида топишишган. «Эр-хотин»нинг ҳамтовоғи (эндиликда марҳум) Александр қотилнинг адаши, лақаби «Чечен». Қотил ва марҳум бир вақтлар жазо муддатини бирга ўташган.

«Эр-хотин» дайдилар ёзги иш мавсумини тугатиб, кузнинг иккинчи ярмида Тошкентнинг Қўйлиқ даҳасидаги ижара уйларига қайтиб келишади. Бўш вақтларида чучварахоналардан бирида сочилган «ризқ-насиба»ларини териб, кун кўрадилар. Кундуз соат тўртларда «Чечен» келади. Чучвараxона ёпилгач, уч улфат бирлашадилар. Пулни «Чечен» беради. Ткач эса вино ташийди. Кўп ўтмай, улар ўзаро уришиб қоладилар. Ткач «Чечен»га: «Ўлдириб, бошингни кесиб оламан», дея дағдаға қилади. Кейин муросага келадилар. Ткач яна вино келтиришга жўнайди. Вақтдан фойдаланган «Чечен» ҳамтовоғининг «хотини»га куч ишлатиб, ҳирсини қондирмоқчи бўлади. Бироқ қаршиликка учрайди. Бу орада Ткач келиб қолиб, воқеадан хабар топади. Аввалига «Чечен»ни тепкилаб, муштлайди. «Чечен» калтак зарбига дош беролмай, воқеа жойидаёқ ҳаётдан кўз юмади. Кейин Ткач «хотини»дан болта сўрайди. Болта бўлмаса-да, пичоқ топилади. Ткач «Чечен»га берган сўзининг устидан чиқиб, қабиҳ ниятини амалга оширди. Шу вақт қўшни идоралардан бирининг қоровули келиб қолади.

Қотил кийим-бошини янгилаб, дарвозадан ошиб қочади.

Ичкилик, мастлик панд бериб қўйиб, йўлдаёқ Бектемир тумани ИИБ ходимлари уни ҳушёрхонага олиб кетадилар. Эрталаб эса ... қамоққа!

Қотил-ку Миробод туман суди томонидан кўриб чиқилган жиноят иш бўйича ўзининг ҳақли жазосини олди. Аммо бизни бошқа нарса ўйга толдиради. Наҳотки, на ишининг, на манзилининг тайини йўқ, бир неча марта судланган дайди то қотиллик содир этгунча ялло қилиб юраверса? Наҳотки, жойлардаги милициянинг таянч пунктлари паспорт тартиби бўйича уларга чора кўрмасалар?

Муҳайё САИДОВА.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралдаги 54-сонли Қарорй асосида

**ХАЛҚ БАНКИ МУАССАСАЛАРИ ТОМОНИДАН**

**1992 ЙИЛ 1 ЯНВАРИДА АМАЛДА БЎЛГАН**

омонатлар эгаларига ва Давлат суғуртаси рўйхатлари бўйича индексация қилиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга

**ИНДЕКСАЦИЯ СЧЁТЛАРИНИ ОЧИШ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА**

**ХАЛҚ БАНКИ, ИНДЕКСАЦИЯ ҚИЛИШ МУДДАТИ ШУ ЙИЛНИНГ 30 ИЮНЬ КУНИ ТУГАШИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАДИ.**

**ХАЛҚ БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА ИНДЕКСАЦИЯ СЧЁТЛАРИНИ ОЧИШГА ШОШИЛИНГ!**

**ХАЛҚ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.**

***В. А. БУГАЕВ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ - ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ***

қуруқлик гидрологияси ихтисослиги бўйича регионал лойиҳалар бўлими КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМИ

**вакант вазифасига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ 15 КУН.**

Ҳужжатлар институт раҳбари номига қуйидаги манзилга юборилсин:

***700052, Тошкент шаҳри, Обсерватория кўчаси, 72-уй.***

***Телефон: 35-83-50.***

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ

**10-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ**
**1996-97 ўқув йилига**
**ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

- **Якка буюртмалар бўйича тикувчилар,**
- **Кенг ихтисосли сартарошлар,**
- **Қандолатчилар,**
- **Ошпазлар,**
- **Холодильник тузатувчи усталар.**

**БИЛИМ ЮРТИГА 9-11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ЁШЛИ ВА УНДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**ЎҚИШ МУДДАТИ 1,2,3 ЙИЛ.**

Ўқишга қабул қилинганлар ойига 734 сўмдан 916 сўмгача стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумот ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиги ҳақида маълумотнома, турар жойидан маълумотнома, ота-онасининг иш жойидан маълумотнома, таржимаи ҳоли, 6 дона фотосурат (3x4).

**БИЛИМ ЮРТИ МАНЗИЛИ: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани «1/2-Қорақамиш» мавзеси, 2-уй (42, 43-автобуслар, 27-трамвайнинг «Мактаб», 10,21,25-троллейбуслар, 18-трамвайнинг охирги «1/3-Қорақамиш» бекатлари).**

## ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

Сиз фарзандларингизнинг келажакдаги ўқиш ва касб-ҳунар эгаллаш масаласини ҳал қилдингизми?

**ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКА ЛИЦЕЙИ**
**9—11 синфларни битирганларни**
**қуйидаги касблар бўйича**
**ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**
**9—11 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР УЧУН:**
**учиш аппаратларини йиғувчи чилангар,**
**(ўқиш муддати 3 йил);**

фрезерчи, рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар оператори (лицей гуруҳининг 1 поғонаси, ўқиш муддати 2 йил);

контроль-ўлчов асбоблари ва автоматикани таъмирлаш бўйича чилангар, электромонтёр (ўқиш муддати 3 йил);

механика-йиғув ишлари бўйича чилангар, авточилангар (ўқиш муддати 2 йил);

кенг тармоқли дастгоҳчи (ўқиш муддати 3 йил);

сантехника чилангари, газ пайвандчи (ўқиш муддати 3 йил);

кенг ассортиментдаги кийимлар тикувчиси (ўқиш муддати 2 йил);

ЭҲМ оператори (инглиз тилини ўрганиш билан ўқиш муддати 3 йил).

**11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАНЛАР УЧУН:**

йиғувчи-парчинловчи токарь-фрезерчи (ўқиш муддати 6 ой);

рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар созловчиси (ўқиш муддати 1 йил);

рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар оператори (ўқиш муддати 1 йил);

бухгалтер (ЭҲМларида ишлашни ўргатиш билан ўқиш муддати 1 йил);

Армия сафида хизматни тугатиб, бошқа шаҳардан келган ёшлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга ойига 734 сўмдан 916 сўмгача стипендия тўланади.

**ЎҚИШ МУДДАТИ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.**
**ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШГА ШОШИЛИНГ!**
**Мурожаат учун телефонлар: 96-58-20, 96-39-72.**
***БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: Паркент кўчаси 331-уй (6, 29-трамвайлар, 30, 110, 119, 161-автобусларнинг «С. И. Кадишев номли авиатехника лицейи» бекати.***


Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Республика хўжалик ҳисобидаги аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази жамоаси Марказ бош раҳбари
**Ғайрат Шомаҳмудович ШОТУРСУНОВнинг**
бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Тиббиёт-санитария бирлашмасининг 2-Марказий шифохонаси маъмурияти ушбу шифохона врачи Л. Б. Хўжаевага онаси
**Раиса Васильевна ИЗАТОВАнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси жамоаси бирлашма ходими Саодат Одиловага отаси
**Зикрилла Убайдуллаевич РИХСИЛЛАЕВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-81-42, 36-57-27.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Б-0308. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 6.134 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.